



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 10 май, № 95 (8990)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҒАЛАБАНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 9 май куни Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этди.



Қизил майдонда Ғалаба паради бўлиб ўтди. Тадбирда Хитой Раиси Си Цзиньпин, Бразилия Президенти Лула да Силва, Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси, Беларусь Президенти Александр Лукашенко,

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Мўғулистон

Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, Куба Президенти Мигель Диас-Канель, Венесуэла Президенти Николас Мадуро ва бошқалар ҳам қатнашди. Иккинчи жаҳон урушидаги ғалаба

миллионлаб инсонларнинг жасорати, матонати ва фидойилиги натижасидир. Бу улус мақсадга эришишда кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Уруш бошланган пайтда республикаимиз аҳолиси 6 миллион нафардан зиёд эди. Уруш йилларида икки миллионга яқин ўзбекистонлик фронтга жўнатилди. 538 мингдан зиёд киши жанг майдонларида ҳалок бўлди, 158 мингдан ортиғи бедарак йўқолди.

Кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Ўзбекистондан 214 мингдан зиёд аскар ва офицерлар жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди. Ватандошларимиздан 301 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, яна 70 киши «Шуҳрат» орденининг барча даражалари соҳиби бўлди.

Ўзбек халқи меҳнат борасида ҳам улкан жасорат кўрсатди. Мамлакатимиз фронтнинг ишончли таянчига айланди: бу ердан озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, қурол-яроғ ва бошқа зарур ресурслар узлуксиз жўнатиб турилди. Қисқа муддатда Ўзбекистон ҳудудига 170 дан ортиқ эвакуация қилинган корхоналар жойлаштирилган мудофаа саноатининг узлишларсиз ишлашини таъминлади.

Ўша оғир йилларда Ўзбекистон халқи юксак инсонпарварлик намунасини кўрсатиб, фронтдаги ҳудудларидан эвакуация қилинган 1,5 миллиондан ортиқ кишиларни,

жумладан, 250 мингдан зиёд етим болаларни қабул қилди.

Ўзбек халқининг уруш йилларидаги жасорати халқаро ҳамжамиятда кенг эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам уруш ва меҳнат fronti қатнашчиларининг хотирасини абадийлаштириш, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкентда улугвор «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

Ғалаба паради якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва бошқа давлат раҳбарлари билан биргаликда Александр боғидаги Номаълум аскар қабрига гул қўйди.

Ушбу ёдгорлик ғалаба йўлида мислсиз жасорат кўрсатган ва жон фидо қилган миллионлаб жангчилар, жумладан, Ўзбекистон фарзандлари хотирасига ўрнатилган.

Маросим бир дақиқалик сукут ҳамда фахрий қоровул ва ҳарбий оркестрнинг тантанали юриши билан якунланди.

Москва шаҳридаги тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлат раҳбарлари Ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан бир-бирини самимий қутладилар.

Ўзбекистон — Россия кенг қамров-

ли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шу жумладан, Россия Президентининг ўтган йил май ойидаги Ўзбекистонга ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик суръатини сақлаб қолишга қаратилган мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш муҳим экани таъкидланди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни жадаллаштириш, шунингдек, ҳудудлар ўртасидаги кооперация алоқаларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Гуманитар алмашинувлар, энг аввало, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларида самарали бўлаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россия етакчилари халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Москва шаҳрига амалий таширифи якунланди. «Внуково» халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Россия расмийлари кузатиб қўйди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Сенат ва ёшлар

МАМЛАКАТ РИВОЖИДА КАТТА КУЧ

Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент давлат юридик университетининг иқтидорли талабалари билан учрашув ўтказилди.

Талабаларга парламент юқори палатаси — Сенатнинг асосий йўналиши ва ваколатлари, сенаторлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, парламент назоратини олиб боришнинг айрим жиҳатлари тўғрисида тушунчалар берилди.

Шунингдек, талабалар Ёшлар парламентининг мақсад ва вазифалари, унинг ёшларга оид давлат сиёсатини шакллантиришдаги ўрни ва фаолияти ҳақида ҳам батафсил маълумотга эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпрогини навқирон авлод ташкил этади. Бу демографик кўрсаткич мамлакатни тез суръатларда ривожлантиришда кучли манба ҳисобланади. Бунинг учун давлат томонидан ёшларга доир қўллаб-қўлловчи амалга оширилмоқда. Сўнгги етти йил ичида йигит-қизлар масалаларини тартибга солуви 100 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

2020 йилда эса давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Олий Мажлиснинг иккала палатаси ҳузурида Ёшлар парламентига асос солинди. Бу тузилма эртаниш эгалари манфаатларини ҳимоя этиш, уларни қонунчилик жараёнларига жалб қилиш вазифасини бажариб келмоқда. Ёшлар парламенти ташкил этилганидан буён унинг аъзолари 100 дан ортиқ қонун лойиҳалари муҳомадаларида қатнашди ва парламент кўмиталари билан биргаликда 80 дан ортиқ назорат-таҳлил фаолиятларини амалга оширди.

Сенатда ёшлар билан учрашувларнинг мунтазам йўлга қўйилганлиги нафақат уларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштириш, балки мамлакат парламент тизими, демократик ислохотлар ва қонунчилик жараёни ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш имконини ҳам бериши билан аҳамиятлидир.

«Халқ сўзи».

Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайди

Ватан тинчлиги, осойишталиги ва равнақи йўлида курашган, заҳмат-ла тер тўккан ҳар бир инсон юксак қадр ва эҳтиромга муносиб. Шу маънода, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага ҳисса қўшган қаҳрамонлар хотирасини улуғлаш, ҳаётимиз файзи бўлиб умргузаронлик қилаётган уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш юртимизда олийжаноб қадриятга айланган. Шунингдек, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари ёди эъзозланиб, уларнинг яқинлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Ҳар йили 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

умумхалқ байрами муносабати билан бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 февралдаги «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ айни кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур сана юртимизда «Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайди» шиори остида нишонланаяпти.

Елғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон

уруши қатнашчиларининг яшаш жойларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларнинг саломатлиги, мазмунли дам олиши доимий назоратда.

Кўни кечаги Президентимизнинг байрам табриги кўнчиларни янада нурафшон этди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва унинг оқибатида ногирон бўлган шахсларга, фронт орти меҳнат фахрийларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бирийўла тўланган пул муқофоти, «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги» юбилей медали тантанали равишда топширилди. Бу борадаги иш-

лар мамлакатимизда инсон қадри улуғлиги, Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик ҳеч қачон завоқ билмаслигининг яна бир амалий ифодасидир.

2 ва 3-саҳифаларга қаранг. ➡

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ОДИМЛАЁТГАН ВОҲА

Мамлакатимизда олиб борилаётган халқчил сиёсатнинг асосида илм-фанни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада юқори поғоналарга олиб чиқиш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш ва ёшларнинг билим олишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш каби яратувчанлик гоёлари мужассам.

Муносабат

Буни биз Президентимизнинг яқинда қадим Хоразм воҳасига қилган ташрифида ҳам кўришимиз мумкин. Давлатимиз раҳбари сафар чоғида Урганч халқаро аэропорти яқинида қурилаётган Ал-Хоразмий шаҳарчаси билан ҳам танишди. Эътибор беринг, 130 гектарлик ҳудудда барпо этилаётган бу шаҳарчада 5 мингдан ортиқ хонадон, технопарк, маданият ва тиббиёт марказлари, мактаб ва боғчалар, спорт мажмуалари ҳамда савдо объектлари жойлаштирилди. Шаҳарча марказида Ал-Хоразмий хайкали ўрнатилиб, бу ерда аллома номидаги университет ва Тошкентдаги Мухаммад ал-Хоразмий мактабининг филиали ташкил этилади.

Мазкур таълим муассасаларида математика, информатика, аэрокосмик технологиялар ва сунъий интеллект соҳаларида мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган.

Шунингдек, Хоразмда амалга оширилиши режалаштирилаётган умумий қиймати 1,5 млрд. долларлик инвестиция лойиҳаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар машинасозлик, шаҳарсозлик, кимё, тўқимачилик, қурилиш мате-

риаллари, тиббиёт ва озиқ-овқат соҳаларини ўз ичига олади. Ушбу лойиҳалар вилот иқтисодиётини диверсификациялаш, иш ўринлари яратишга ҳисса қўшади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбари вилот фаоллари билан учрашиб, иқтисодиётнинг барча соҳасини, жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратди. Унга кўра жорий йилда вилотда 60 млн. долларлик 56 та лойиҳани ишга тушириш, 3 400 гектар ерларни қайта фойдаланишга киритиш, 31 километр катта канал, 1 600 километр ички ариқларни бетонлаштириш, 1 200 гектар саноатлашган мевали боғларни ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Сўз қишлоқ хўжалиги тўғрисида борар экан, тобора танқислашиб бораётган сув муаммосини тилга олмаслигининг иложи йўқ. Бу воҳа учун низоҳатда долзарб масалалардан биридир. Шу жиҳатдан, сувни тежаш бўйича Хоразм ўз тажрибасини яратгани эътироф этилди. Ерларнинг 93 минг гектари лазерли текислашга ўтган, 196 минг гектарга сув тежовчи технология ўрнатилган. Ушбу ишлар ҳисобига йилга 1 млрд. кубометр сув иқтисод бўлмоқда.

➡ 4

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда замонавий ёндашув ва имкониятлар

Соғлиқ — бекиёс неъмат. Унга доир муаммоларни бир кунда ҳал қилиб бўлмайди, лекин тинимсиз ҳаракат, изчил сиёсат ва халққа меҳр билан амалга оширилган ишлар албатта самара беради. Сўнгги 7-8 йилда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида шу каби саъй-ҳаракатлар кучайиб, бугунги кунда ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Албатта, барча муаммо битди, ҳаммаси йўлга қўйилди дейишдан йироқмиз, лекин йўналиш тўғри, қадамлар эса ишончли.

Акс садо

Бугун ҳаётимизнинг ҳеч бир қисмини ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис бундай замонавий

ёндашув ва имкониятлар тиббиёт соҳасига ҳам татбиқ этилмоқда. Аввал шифохонада навбат кутган, йўлқира деб чўнтагига қараб ташвишланган инсонлар учун ҳозирги онлайн

Киберкоррупция: янги давр – янги хавф-хатарлар

Хуқуқий давлат учун энг хавфли душман коррупциядир. Жаҳон банки статистик маълумотларига кўра коррупциядан давлатларга йилга 2,6 трлн. АҚШ долларида ортиқ зарар етказилади.

Долзарб мавзу

Бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг деярли 5 фоизини ташкил қилади. Бинобарин, коррупцияга қарши курашиш давлат учун нафақат жиноятчиликка қарши кураш, балки иқтисодий

зарарнинг олдини олиш масаласи ҳамдир. Шу жиҳатдан БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида коррупция ва порахўрликнинг барча кўринишини камайтириш чоралари на-

зарда тутилгани ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Республикасида ҳам коррупция мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларига кўра 2024 йилда мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлардан кўрилан зарар 3,61 трлн. сўмга (тахминан 278,5 млн. АҚШ доллари) етиб, бу 2023 йилдагидан 2,3 баробар кўпдир.

➡ 4

